



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 06 сентябрь Галлаорол тумани 4-1302-2201/670-сонли иш

Галлаорол туманлараро иқтисодий судининг судьяси А.Норқўзиев раислигида, судья ёрдамчиси Э.Мамаражаповнинг котиблигида, даъвогар Жиззах вилояти божхона бошқармасининг жавобгар “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамиятидан 221.109.776 сўм божхона тўловлари ва 11.689.531 сўм пеняни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакили [REDACTED] (2022 йил 07 январдаги 01-6/20-98-сонли ишончнома асосида) иштирокида, Галлаорол туманлараро иқтисодий суди биносида, очиқ суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а ни қ л а д и:

Даъвогар Жиззах вилояти божхона бошқармаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамиятидан 221.109.776 сўм божхона тўловлари ва 11.689.531 сўм пеняни ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисида вакили иштирокини таъминламади. Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127-129, 170-моддаларига мувофиқ ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб топади.

Суд мажлиси муҳокамасида иштирок этган даъвогар вакили тушунтириш бериб, “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти томонидан Қозоғистон Республикасидан олиб келинган, қиймати 136 000 АҚШ долларига тенг бўлган “Йирик шохли қора моллар” товарини “Эркин муомалага чиқариш” божхона режимида расмийлаштириш учун тўланиши лозим бўлган 224.000.000 сўмлик божхона тўловларини “APEX Insurance Company” масъулияти чекланган жамияти билан “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2021 йил 08 январь куни тузилган 0870/1306/1/220005-сонли суғурта шартномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги 76-сонли қарорига асосан 120 кун муддатга кечиктириб тўлашга рўхсат сўраганлиги, “APEX Insurance Company” масъулияти чекланган жамияти билан “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2021 йил 08 январь куни тузилган 0870/1306/1/220005-сонли суғурта шартномасига мувофиқ 2021 йил 08 январь куни



0870/1306/1/220005-сонли суғурта полиси тақдим этилганлиги, ушбу суғурта полисда 224.000.000 сўмлик божхона тўловларини суғурталанувчи “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти томонидан 2022 йил 07 май кунига қадар тўлаш қобилияти бўлмаганда “APEX Insurance Company” масъулияти чекланган жамияти томонидан Жиззах вилоят божхона бошқармасига бир кун давомида тўлиқ ўтказиб берилиши кафолатланганлиги, “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти товарларни божхона расмийлаштируви учун тўланиши лозим бўлган 224.000.000 сўмлик қўшилган қиймат солиғини (божхона йиғимларидан ташқари) 114 кун муддатга яъни 2022 йил 04 май кунига қадар кечиктириб тўлаши бўйича Жиззах вилоят божхона бошқармасининг 2022 йил 11 январдаги 3-сонли Экспорт кенгашининг хулосаси ҳамда 2022 йил 10 январдаги 0096их-сонли қарори қабул қилинганлиги, ушбу қарор асосида “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамиятига олиб келинган товарлар 08004/11.01.2022/0000202, 08004/11.01.2022/0000203 ҳамда 08004/10.01.2022/0000172-рақамли божхона юк декларациялари асосида “Эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40) божхона режимига тўловларни кечиктириб тўлаш шarti билан расмийлаштирилганлиги, аммо “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти томонидан кечиктириб берилган муддатда божхона тўловларини тўламасдан келганлигини маълум қилиб, даъво аризани қўллаб-қувватлаб, даъвони тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Суд иш хужжатларини ўрганиб, иш юзасидан даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра даъвони тўлиқ қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ давлат божи ва суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Иш хужжатларидан ва суд муҳокамасида аниқланишича, “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти томонидан Қозоғистон Республикасидан олиб келинган, қиймати 136 000 АҚШ долларига тенг бўлган “Йирик шохли қора моллар” товарини “Эркин муомалага чиқариш” божхона режимида расмийлаштириш учун тўланиши лозим бўлган 224.000.000 сўмлик божхона тўловларини “APEX Insurance Company” масъулияти чекланган жамияти билан “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2021 йил 08 январь куни тузилган 0870/1306/1/220005-сонли суғурта шартномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги 76-сонли қарорига асосан 120 кун муддатга кечиктириб тўлашга рўхсат сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 329-соддасида, божхона тўловларини кечиктириб ва бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш шартлари келтирилган бўлиб, унга кўра божхона органининг қарорига асосан тўловчига божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши мумкинлиги, божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш божхона декларацияси қабул қилинган кундан эътиборан 60 календарь кундан ошмаслиги лозимлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси президентининг ёҳуд Ўзбекистон Республикаси



Вазирлар маҳкамасининг қарорига биноан ўзоқроқ муддатга кечиктириб тўлаш имконияти берилиши мумкинлиги белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини ўзайтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 10 февралдаги 76-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ товарларни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш 120 кун муддатгача ўзайтириш мумкинлиги кўрсатилган.

Шунингдек, “APEX Insurance Company” масъулияти чекланган жамияти билан “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2021 йил 08 январь куни тузилган 0870/1306/1/220005-сонли суғурта шартномасига мувофиқ 2021 йил 08 январь куни 0870/1306/1/220005-сонли суғурта полиси тақдим этилган.

Ушбу суғурта полисида 224.000.000 сўмлик божхона тўловларини суғурталанувчи “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти томонидан 2022 йил 07 май кунига қадар тўлаш қобилияти бўлмаганда “APEX Insurance Company” масъулияти чекланган жамияти томонидан Жиззах вилоят божхона бошқармасига бир кун давомида тўлиқ ўтказиб берилиши кафолатланганлиги белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти товарларни божхона расмийлаштируви учун тўланиши лозим бўлган 224.000.000 сўмлик қўшилган қиймат солиғини (божхона йиғимларидан ташқари) 114 кун муддатга яъни 2022 йил 04 май кунига қадар кечиктириб тўлаши бўйича Жиззах вилоят божхона бошқармасининг 2022 йил 11 январдаги 3-сонли Экспорт кенгашининг хулосаси ҳамда 2022 йил 10 январдаги 0096бих-сонли қарори қабул қилинган.

Жиззах вилоят божхона бошқармасининг 2022 йил 10 январдаги 0096бих-сонли қарори асосида “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамиятига олиб келинган товарлар 08004/11.01.2022/0000202, 08004/11.01.2022/0000203 ҳамда 08004/10.01.2022/0000172-рақамли божхона юк декларациялари асосида “Эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40) божхона режимига тўловларни кечиктириб тўлаш шарти билан расмийлаштирилган бўлсада, аммо “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти томонидан тўланиши лозим бўлган 224.000.000 сўм божхона тўловларини кечиктириб берилган муддатда тўламасдан келган.

Ушбулардан келиб чиқиб, Жиззах вилоят божхона бошқармаси томонидан божхона тўловларини ўз вақтида тўланиши юзасидан бир неча бор огохлантиришларига қарамасдан, «Jizzax Agro Chorva» масъулияти чекланган жамияти томонидан божхона тўловлари тўланмасдан келиши аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси божхона кодексининг 26-моддасида, товарларнинг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши ваколатли шахсларнинг товарларини божхона режимларидан бирига жойлаштириш ва мазкур божхона режими талаблари ҳамда шартларига риоя этиш



мажбуриятларини келтириб чиқариши, 28-моддасида божхона режими талаблари ва шартларига риоя этилиши учун жавобгарлик товарни тегишли божхона режимига жойлаштирилган шахснинг зиммасида бўлиши белгиланган.

Ушбу кодексининг 348-моддасида божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликни тўлаш тўғрисидаги талабнома божхона органи томонидан тўловчига мазкур қарздорликни мажбурий тартибда ундириш чоралари кўрилгунига қадар ёзма равишда киритилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 350-моддасига асосан, тўловчи томонидан эътироз мавжуд бўлган, қўшиб ҳисобланган божхона тўловларини ундириш суднинг божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори асосида амалга оширилиши белгиланган.

Бундан ташқари, божхона бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 110-моддаси 3, 10 ва 11-қисмларига мувофиқ, жавобгар “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамияти томонидан божхона тўловларини ўз вақтида тўланмаганлиги учун 11.689.531 сўм миқдорида пеня ундириб беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 110-моддаси 3, 10 ва 11-қисмларига кўра, “Пенялар, агар ушбу кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган солиқни тўлаш кунидан кейинги кундан бошлаб солиқни тўлаш бўйича мажбуриятни бажариш кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун ҳисобланади. Ҳар бир кечиктирилган пеня солиқнинг тўланмаган сўммасида келиб чиқиб, фоизларда белгиланади. Пенянинг фоиз стафкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу даврда амалда бўлган қайта молиялаштириш стафкасининг уй юздан бирига тенг этиб қабул қилинади.” деб кўрсатилган.

Ушбулардан келиб чиқиб, суд даъвогарнинг даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига мувофиқ, ишни судда кўриш билан боғлиқ давлат божи ва почта харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 26, 28, 329, 348, 349-моддаларини, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 127-129, 170, 176-179, 186-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и:

Даъвогарнинг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар Жиззах вилоят божхона бошқармаси фойдасига 221.109.776 сўм божхона тўлови, 11.689.531 сўм пеня ва 24.000 сўм почта харажати дирилсин.



Жавобгар “Jizzax Agro Chorva” масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджети ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 4.655.986 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят (протест) келтириши мумкин.

Судья

А.Норқўзиев

